

«Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»ги Минск Конвенциясида ҳукми ижро этиш учун шахсни ушлаб бериш тўғрисида сўров фақат олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинган суд қарорларини ижро этиш учунгина юборилиши назарда тутилади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Раёсатининг 2006 йил 27 декабрдаги қарори ҳамда апелляция инстанциясининг 2006 йил 7 ноябрдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2006 йил 3 октябрдаги ҳукмига асосан А. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди, 228-моддаси 2-қисми «а», «б» бандлари, 179-моддаси, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 3-қисми, 190-моддаси 2-қисми, 227-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, Жиноят кодексининг 45,59,61,62-моддалари тартибида узил-кесил 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши ҳамда 3.055.000 сўм жарима жазосига судланган. А.нинг эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, у қамоқдан озод қилинган. Жиноят иши юзасидан етказилган 5.400.000 сўмлик зарар қопланган.

Жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2008 йил 24 августдаги ажрими билан А. суднинг ҳукми билан тайинланган жаримани тўлашдан бўйин товлаганлиги сабабли Жиноят кодексининг 44-моддасига асосан унга тайинланган жариманинг тўланмаган миқдори 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2010 йил 10 ноябрдаги ажримига кўра, А. ахлоқ тузатиш иши жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаб яширинганлиги сабабли ўталмаган 1 йил 6 ой 1 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

Суд ҳукмига кўра, А. Н., Ф. ва бошқалар билан ўзганинг мулкини алдаш йўли билан қўлга киритиш мақсадида олдиндан жиноий тил бириктириб, ҳужжатларни сохталаштириб, П.га тегишли “Нексия” русумли автомашинани ўзининг номига расмийлаштириб, автомашиналар бозорида Я.га 7.500.000 сўмга сотиб, пулларни алдаш йўли билан қўлга киритган.

Бундан ташқари А. “Персл стар” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, улгуржи савдо фаолиятини амалга оширувчи лицензияни қалбакилаштириб, пул кўчириш йўли билан 1.224.655.400 сўмлик товарларни улгуржи сотиб, лицензиясиз фаолият билан шуғулланган.

Шунингдек, А. “Персл стар” МЧЖ раҳбари лавозимида ишлаб келиб, 2005 йил 11 декабрдан 2006 йил 17 майга қадар бўлган давр мобайнида жами 32.007.400 сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, жиноий қилмиши фош этилишининг олдини олиш мақсадида МЧЖнинг бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларини қасддан йўқотган.

Республика Бош прокурорининг ўринбосари назорат тартибида протест билдириб, А.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилишини сўраган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, А.нинг айблилиги ҳақида асосли ҳулосага келган ҳамда унга қилмишига яраша жазо тайинлаган.

Иш ҳужжатларига кўра, А. жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2006 йил 3 октябрдаги ҳукми билан тайинланган жаримани тўлашдан бўйин товлаганлиги сабабли, жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2008 йил 24 мартдаги ажрими билан жарима жазоси Жиноят кодексининг 44-моддасига асосан 3 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

А. ахлоқ тузатиш иши жазосини ҳам ўташдан қасддан бўйин товлаб яширинганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур тумани судининг 2010 йил 10 ноябрдаги ажримига асосан унинг ўталмаган 1 йил 6 ой 1 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

Шу даврда А. Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган оғир жиноят содир этганлиги аниқланиб, унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2010 йил 11 мартдаги ажрими билан қидирув эълон қилиниб қамоққа олиш ҳақида эҳтиёт чорасини қўллаш белгиланган.

Кейинчалик А. Россия Федерацияси Санкт-Петербург шаҳрида ушланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси унга нисбатан чиқарилган 2006 йил 3 октябрдаги ҳукми ижро этиш ҳамда Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан уни жинойий жавобгарликка тортиш учун ушлаб бериш тўғрисида Россия Федерацияси Бош прокуратурасига илтимоснома киритган.

1993 йил 22 январдаги **«Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»**ги Минск Конвенциясининг 56-моддаси 3-қисмида шахс олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинган бўлиб, унга нисбатан чиқарилган суд қарорини ижро этиш учун иккинчи давлатдан сўралиши лозимлиги қайд этилган.

Конвенция ҳукми ижро этиш учун шахсни ушлаб бериш тўғрисида сўров фақат олти ойдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ёки оғирроқ жазога ҳукм қилинган суд қарорини ижро этиш учунгина юборилишини назарда тутди.

А. жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2006 йил 7 ноябрдаги ажрими билан ўзгартирилган, жиноят ишлари бўйича Учтепа туман судининг 2006 йил 3 октябрдаги ҳукми билан 3 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда 3.055.000 сўм жарима жазосига судланганлиги сабабли ушбу ҳукми ижро этиш учун А.ни ушлаб бериш тўғрисида иккинчи давлатга сўров юбориш лозим эмас.

Шу сабабли жиноят ишлари бўйича Олий суд судлов ҳайъатининг 2011 йил 18 августдаги ажрими билан А.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгаришсиз, протест қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Назорат иши ЖСҲ-225-11

